

Qishloq hayoti

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ



ОЛАМШУМУЛ ВОҚЕА

Гузур туманининг Кенгсой деб аталмиш яйловларида бугун ҳаёт бутунлай ўзгариб кетди. Юртимизнинг нефт-газ саноатига асос бўлган Шўртан газ-кимё мажмуаси айнан мана шу ҳудудда иш бошлаган эди. Энди ропла роса йигирма йил ўтгач, бу улкан корхонанинг ёнгинасида “Ўзбекистон GTL” деб аталмиш унданда йирикроқ завод ишга туширилди. GTL заводида GTL технологияси (“gas-to-liquids”, яъни “газдан суюқлик олиш”) асосида таркибидан олтингургут миқдори ўта паст бўлган, экологик тоза, юқори сифатли ва энг юқори халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган синтетик ёқилги ишлаб чиқарила бошланди.

Ўзбекистонда GTL заводини қуриш лойиҳаси дунёдаги энг нуфузли энергетика лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Лойиҳанинг фаол бошқичи Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятидаги GTL заводи ва Шўртан газ-кимё мажмуасининг технологик ва интеграцияси орқали ҳудудда биринчи газ-кимё кластерини яратиш ташаббуси билан 2016 йил декабр ойидан бошланган эди.

Янги заводнинг ишга туширилиши гузурликлар учун, воҳа аҳли учун ва бутун юртимиз учун катта байрам бўлди. Яқин ўн йилларда куш унча қаноти, одам юрса оёғи куядиган кенгликларга дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар ташриф буюришиди. Завод қурилишида сидқидилдан меҳнат қилган қурувчилар, мураккаб технологик қурилмаларни бошқаришга аҳд қилган муҳандис-техник ходимлар, ишчилар қаторида эл-юрт кайвонилари, чет эл элчилари, мамлакатимизнинг хориждаги элчилари, соҳанинг барча катта кичик раҳбарлари заводнинг очилиш маросимига тўпланишди. Залга Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ёрқин

чеҳра билан кириб келишлари барчани тўққинлантириб юборди. Бундай улкан корхонанинг барпо этилиши тарихини ақс этдирувчи Президентимизнинг маърузалари тўпланганларни ҳайратга солди. Қурилиш бошланганида унинг ишга туширилишига шубҳа билан қаровчилар, Ўзбекистоннинг бундай заводни қуриб, ишга туширишига ишонмаган кишилар бўлганлиги, шунга қарамай меҳнатқаш халқимиз хорижий мутахассислар билан елкама елка туриб мақсад сари интилганлиги қайд этилди.

Завод қурилишида меҳнат қилаётган ўн уч мингдан ортиқ қурувчи мутахассислар чинакам синовдан ўтдилар. Улар пандемия шароитида ҳам ишни бир зум тўхтатишмади. Шифокорлар соғлиқ учун хавфли эканлигидан оғоҳлантириб ишни вақтинчалик тўхтатишни сўрашган қрантин даврида ҳам шижоат кўрсатишиб меҳнат қилдилар. Баъзи хорижий мутахассислар карантин сабабли юртимизга кела олмай қолганларида мутахассисларимизнинг ўзлари бу юртларга бориб тажриба ўргандилар.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Ҳар бир даврнинг ўз тарихий кунлари бўлади. Айнан шу сана миллатнинг, мамлакатнинг юксалиш оstonаси, дунё ҳамжамияти харитасига Ватаннинг ғолиблик “муҳри” босилган кун сифатида асрлар мобайнида ёд этилади, талқин қилинади.

2004 йилнинг 13 июль санасида Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамсони маглуб этиб, классик шахматда жаҳон чемпионлиги тожига мушарраф бўлганда халқимиз, кенг жамоатчилик қанчалик хурсанд бўлганлигини, Ўзбекистон номи жаҳон сахнасида, ўзини бу дунёнинг энг донолари сангучилар ўртасида бот-бот ёд этилган кунларга ҳам ропла-росса 17 йил бўлибди.

Бугун айнан Қосимжонов жаҳон ақлига халқимиз ақл-заковотини кўз-кўз этган, бу оламда ақли мамлакатлар қоторида Ўзбекистон ҳам собитлигини кўрсатганига шунча мuddат ўтиб, халқимизнинг яна бир шикоятли фарзанди, 17 ёшли Нодирбек Абдусатторов яна бир бор ушбу аънанани такрорлади. Мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшлар юрти эканлигини кўрсатиб қўйди.

Шу маънода, Польша пойтахти Варшава шаҳрида шахматнинг рапид йўналишида 17 ёшли шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов 5 қарра жаҳон чемпиони Магнус Карлсен каби ўнлаб жаҳон шахматининг бугунги “устуналирини” таслим этиб, жаҳон чемпиолигини қўлга киритган декабрнинг сўнгги санаси ҳам шундай оламшумул кунлардан бири сифатида нафақат Ўзбекистон, балки дунё шахмат тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди.

Аҳамиятисини, мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳиятини жаҳон ҳамжамиятига намойиш этган истеъдодли шахматчимиз Абдусатторов ушбу йўналишда чемпионлик тожини кийган энг ёш шахматчиға айланди.

Дунёнинг 43 та мамлакатининг 200 нафарга яқин энг сара “ақл гимнастикаси” соҳиблари жам бўлган чемпионатнинг 13 туридан сўнг 4 нафар шахматчи 9,5 очко жамғаришди. Мусобақа низомига асосан ғолибни аниқлаш тай-брейк орқали амалга оширилган бўлди. Ушбу босқичда Нодирбек рақибларидан техник-тактик жиҳатдан устунлигини, Ватанимиз ёшларига хос бўлган салоҳиятини намойиш этди.

У сўнгги тай-брейк баҳсида ушбу йўналишда амалдаги жаҳон чемпиони россиялик Ян Непомнящий билан рўбарў келди. Узиға хос тарзда ўтган ўйинда ҳамюртимиз тажрибали рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. 1.50.5 ҳисобида Россия шахматчисини маглуб сифатида мусобақани тарк этишға мажбур қила билди ва шахматнинг рапид йўналишида янги жаҳон чемпиони лавҳига Ўзбекистон, Нодирбек Абдусатторов номларини ёзиб қўйди.

Бу, биргина Нодирбекнинг эмас, бутун халқимизнинг, янги ва янги ташаббуслар, янги интилишлар билан халқаро майдонда Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар, юксак ташаббуслар мамлакатини эканлигининг тантанаси бўлганлигининг ёрқин намунасидир.

Айтиш лозимки, кеча рапид йўналишида аёллар ўртасида яқунланган баҳсларда классик шахмат бўйича 12-жаҳон чемпиони россиялик Александра Костенюк 11 имкониятдан 9,0 очко жамғарган ҳолда 1-ўринни эгаллади. 2-ўринни 8,5 очко билан қозғонотлик Бибисара Асаубаева, 3-ўрин эса яна бир россиялик шахматчи Валентина Гунинаға насиб этди.

Бугун, 29 декабрдан эътиборан блиц йўналишидаги баҳслар бошланади. Унда ҳам мамлакатимиз шахматчиларидан Нодирбек Абдусатторов, Жаҳоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов ва Шамсиддин Воҳидов иштирок этмоқда.

Баҳслар 30 декабрға қадар давом этади. Ватанимиз ёшларининг ақл-заковотини, салоҳиятини жаҳон майдонларида намойиш этаётган шахматчиларимиз 31 декабрь – Янги йил оstonасида Тошкентға қайтиб келишади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Янгиликни одамлар ҳаммиша аста-секинлик ва қарам-қаршилиқ билан қабул қилган. Бунга мисоллар кўп. Сув тежовчи технологияларни ўз ерида жорий қилган ва ундан манфаат кўргани учун фақат ёқлаб гапирадиган бешариқлик бир фермер билан кўришар эканмиз, у ўзини Бешариқ туманидаги “Тоғжумуҳаммедов Жонибек” фермер хўжалиги раҳбари Жўрабек Деҳқонов деб таништиради. У 50 гектар ернинг 25 гектарига пахта, 25 гектарига бошоқли дон экиб, ҳосил олар экан.

– Хўжалигимиз ерлари сув танқис ерларда жойлашгани учун сув тежовчи технологияларни жорий қилишға мажбур бўлдим. – дейди фермер. – Мажбур бўлдим, деганимға ҳайрон бўлманг, мен илгари унинг фойдасини билмаганим учун шундай дедим. Бу технология ҳақида айтилаётган фикрларни эшитиб ва уни қандай қилсам ўзимизда қўллаш ҳақида ўйлаб юрдим. Бироқ фойда бермаса ўраға тушиб қолмайманми, дея ҳадиксираб юрганим ҳам бор ҳақиқат. Аммо Президентимизнинг соҳаға оид йиғилишларда айтган фикрлари мени бу ишға қўл уришға ундади. Бунинг устиға сув тежовчи технологияларни қўллаган фермер хўжалиқларига давлат томонидан субсидия берилиши ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бу қарорда фермерларнинг ер солиғидан, электр энергияси тўловидан озод қилиниши ҳам белгилаб қўйилди. Мен ана шу янгиликларни газеталарда ўқиб, хулоса чиқариб олдим. Йигирма гектар ерға сув тежовчи технология ўрнатиб, иш бошладим. Ҳар йили зовур сувидан насосда тортиб эгалларға сув кўяр эдим. Бундан ташқари, оқин сувни ариқ ёқалаб олиб келолмай хўноб бўлган кунларим кўп бўлган. Янгиликни жорий қилиш натижасида кўнглимнинг туби бирдан ёришганини билдим.

Жўрабек Деҳқонов бутун вужуди билан деҳқончиликни касб қилиб олганлиги сўзларидан билиниб турибди. Ҳозирги деҳқоннинг аввалги деҳқондан фарқи катта. Энди у ҳисоб-китобни яхши билиши лозим.

(Давоми 2-саҳифада)

“ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” ТАНТАНАЛАРИ – БОЛАЖОНЛАР УЧУН ЭНГ ЗЎР СОВҒА!

Пойтахтимизда “Президент арчаси” байрам тантаналари бошланди. “Томоша” болалар студияси учун барпо этилган муҳташам бинода ўтказилаётган ушбу тантанана шахримиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилди.

“Президент арчаси” тантаналари болалар учун доим чекис қувонч улашган, барча ўғил-қизлар йил давомида орзу қиладиган завқли тантана саналади.

– Бундай байрамға келишни барча орзу қилади, – деди шахримиздаги 30-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган Радмир Ҳафизов. – Биз бу байрам учун атайин шеърлар, кўшиқлар ўргандик. Янги йилни шундай қувончли кутиб олиш қандай яхши!

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кечаётган янгилишни жараёнларида аҳоли, айниқса болалар манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш устувор аҳамият

касб этмоқда. Мамлакатимиз етакчиси ўзининг юртимиз вилоятларига сарфларини чоғида мактаблар, тиббиёт масканлари, болалар шифохоналари, Меҳрибонлик уйлари ҳолидан хабар олишини, уларнинг муаммоларини тезкор ҳал этишини, истеъдод эгалларига катта эътибор қаратишини халқимиз, кенг жамоатчилик ҳаммиша гувоҳи бўлмоқда.

Айни пайтда Меҳрибонлик уйларига, уларда тарбия олаётган болаларға эътибор тобора кучайди. Мазкур муассасалар Миллий гвардия шафелигига ўтказилди. Ҳимояға муҳтож болаларни жамиятға интеграциялаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, касб-хунарли

этиш борасида улкан амалий ташаббуслар ҳаётға жорий этилмоқда.

...Қувонқ куй-қўшиқлар янграмоқда. Болалар рақсға тушиб, баралла шеър айтишмоқда. Ватанни, бегубор болаликни тараннум этувчи кўшиқларни қўйлашмоқда.

Дарвоқе, улар учун ажойиб сюрприз – устоз режиссёр Нодира Курбонова сценарийси асосида тайёрланган “Йўл-ёранган. Энг асосий соғвга эси Президентимизнинг болалар учун аталган байрам совғалари экани шубҳасиз!

Байрам тантаналари давом этмоқда.
Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



• Шавкатжон АБДУРАЗЗОҚОВ, Наманган вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Йил якунида ялли худудий маҳсулот 30,6 трлн. сўмдан ҳам ортиши кутилмоқда. Утган йилға нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 116,5, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 104,5, пудрат ишлари 112,0, чакана савдо айланмаси 110,4 ва жами хизматлар ҳажми 124,5 фоизни ташкил этмоқда. Маҳаллий бюджет даромадлари режаси ортиғи билан 110,7 фоизға бажарилди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсишида қатор чора-тадбирлар етакчи омил бўлди. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жорий йилда 6135 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 5,1 трлн. сўм

НАМАНГАННИ КЎРКАМ, ОБОД ВА “ЯШИЛ МАКОН”ГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Яқунланаётган йил пок ниятли наманганликлар учун ҳам улкан ютуқ ва натижаларға бой йил бўлди. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида суръат ва сифат жиҳатидан истиқболли юксалишлар кузатилди. Ягона мақсадни қўзлаб фаолият олиб борган наманганликлар вилоят ҳокимлиги атрофида янада жипслашган ҳолда тилға олса арзигулик ютуқ ва натижаларни қўлга киритишға муваффақ бўлди.

кредит маблағлари ажратилди. Хусусан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 35 минг 559 нафар миқозға 787,4 млрд. сўм кредит берилди ва 36 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 5,2 трлн. сўмлик 1 392 та лойиҳа ишга туширилди, 30 минг нафардан ортиқ фуқаро янги иш ўрни билан таъминланди. Шаҳар ва туманларда ташкил этилган 73 та янги кичик саноат зонасида 6,7 трлн. сўмлик 1154 та лойиҳа амалға оширилди. Биргина Уйчи, Косонсой, Чортоқ, Давлатобод туманларидаги “Овчибулоқ”, “Бешкана”, “Қушон”, “Хонобод” кичик саноат зоналарида амалға оширилган 135 та лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида 15 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция ўзлаштириш ишлари ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Хитой, Туркия, Нидерландия, Ҳиндистон, Бельгия, Германия ва Россия каби ўнлаб давлатлардан жами 303,6 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит маблағлари жалб этилди. Чуст туманидаги “Наманган цемент” МЧЖ томонидан 16 млн. дол-


лар, Наманган шаҳридаги “Namanqan Qianxing Investment” МЧЖ томонидан 12,8 млн. доллар маблағ ўзлаштирилди. Яна бир муҳим масала – экспорт бўйича 464 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, режа 113 фоизға бажарилди. Керамик кафел плита, сунъий тола, арматура, қурилиш қоғламалари, қурилиш бўёқлари каби 11 та янги турдаги маҳсулотлар дунё бозорини забт этди. Жорий йилнинг ўзида Перу, Венесуэла, Тунис ҳамда Жанубий Африка каби давлатлар бозорларига Наманганнинг сара маҳсулотлари кириб борди.

Вилоятни обод ва кўркам маконға айлантириш, янги массивлар барпо этиш борасида ҳам тилға олса арзигулик бунёдкорлик ишлари амалға оширилди. Буюртмачи “Қишлоқ қурилиш инвест”, “Ўзшаҳарқурилиш инвест” томонидан шаҳар ва қишлоқларда жами 252 та 7192 хонадонли кўп қаватли уй-жой қурилиб, муҳтож оилаларға хонадонлар қалити топширилди. 1370 нафар фуқароға субсидия ажратиб берилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурлари доирасида 1,3 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ҳис-

бига 22 та қишлоқ ва 4 та маҳалланинг меъморий қиёфаси янгиланди. Йўллар асфальтланди, ичимлик суви, электр тармоқлари тортилди, трансформаторлар ўрнатилди. 25 та мактаб, 15 та мактабгача таълим, 11 та соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда 21 та маҳалла биносида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 17,2 мингта хонадондаги 88,2 минг нафар аҳолининг яшаш шароити яхшиланди. Айниқса, йўл инфратузилмасини ривожлантиришға ҳар қачонгидан-да кўпроқ аҳамият қаратилди. Йўл қурилиши учун 649,7 млрд. сўм маблағ ажратилди. 2,2 минг км. йўл қайта қурилди ва таъмирланди. Ташкил этилган Янги Наманган туманида ҳам кенг қўламда бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 13,2 км. магистрал, 60,7 км. кўча тармоқлари тортилди. 1,7 мингта хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бунёдкор маҳалласига олиб борувчи 13 км. автомобиль йўли ҳамда маҳалланинг ички кўчаларига тўлиқ асфальт ётқизилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Заводда йилига 3,6 миллиард куб метр газ қайта ишланиб, 1,5 миллион тонна суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилади



ОЛАМШУМУЛ ВОҚЕА

(Боши 1-саҳифада)
 Ҳолбуки бундай улкан лойиҳаларни амалга ошириш жаҳондаги кўплаб мамлакатларда тўхтаб қолганлигини хорижий меҳмонлар ўз сўзларида қайд қилиб ўтди. Эндиликда бу заводда республикамиз учун бутунлай янги маҳсулотлар: синтетик авиакеросин, дизел ёқилғиси, нафта сингари моддалар ва сувоқлирилган газ ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу маҳсулотларнинг сифати эса жаҳонда бутунлай тенги йўқдир. Шўртан газ кимё мажмуасида ишлаб чиқарилган тазаланган метан хошбўйсига негизда ишловчи бу завод йилига 3,6 миллиард куб метр газни қайта ишлаб, 1,5 миллион тонна суюқ ёқилғи ишлаб чиқаради. 724 минг 600 тонна дизел ёқилғиси, 437 минг 300 тонна нафта, 307 минг 300 тонна керосин ва 53 400 тонна сувоқлирилган газ ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ишлаб чиқарилган GTL нафтаси полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кўпайтириш мақсадида яна Шўртан газ кимё мажмуасига қайтарилади ва шу орқали ягона нефть-кимё кластери яратилади.

Бугунги кунда заводда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг асосий қисми маҳаллий кадрлар эканлиги Юртбошимизга аниқсиз қувонтирди. Бу мутахассисларнинг кўпчилиги хорижда турдош корхоналарда иш ўрганиб, малака оширишган. Қўларини ёниб турган, ўз касбияга меҳр билан интилиб меҳнат қилаётган ёшлар оқилиш маросимидда иштирок этган барчани қувонтирди. Заводнинг марказий лабораториясида ўрнатилган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини мунтазам назорат қилиб туради. Бу ердаги мутахассисларнинг хориждан келган меҳмонларнинг саволларига қанчалик дадиллик билан жавоб бераётганлиги ҳаммани ҳайратга солди. Ўзбек тилидан ташқари инглиз ва рус тилларида аниқ жавоблари уларнинг билимлари қанчалик чуқур эканлигини аниқлаб туради.

Тантанали маросимда завод қурилишида иштирок этган хорижий компаниялар раҳбарлари сўзга чиқиб, Президентимизга миннатдорчилик билдиришди. Улар жараёнда иштирок этган юртимиз вакилларига юқори баҳо бердилар ва эндиликда бу ёшлар нафақат заводни бошқара олишда, балки юртимизда ва хатто бошқа мамлакатларга бориб ҳам яна шундай корхоналар қуришга қодир, дея юқори баҳо бердилар. Сўз-

га чиққан ҳар бир хорижий мартабали меҳмон ўз сўзини ўзбек тилида бошлагани ва Юртбошимизга самимий миннатдорчилик билдирганлари тadbир иштирокчиларини аниқсиз, қувонтириб юборди. Ҳузур кўптармоқли поликлиниксининг лабораторияси Зулфия Эргашева сўзга чиқиб, икки нафар ўғил ўстирганлиги, улар аъло ўқиб, олий маълумот олишганлиги ва аини пайтда нефть-газ соҳасида мана шу корхоналарда меҳнат қилаётганлиги учун ўз қувончини билдирди. Фарзандларига, ғузорлик ёшларга янги иш ўринлари яратиб берганликларини, мутахассис кадр бўлиб етиштирилиши учун шароит яратиб берганликларини учун барча оналар номидан Юртбошимизга миннатдорчилик билдирди. Тантанали йилгида давлат раҳбари ёшларнинг билим олишлари, мана шундай му-

ҳалқимиз турмушига қанчалик ўзгаришлар олиб келиши ҳақида тушунтириб борди. Қирқ йилга яқин нефть-газ соҳасида меҳнат қилган, Шўртан газ кимё мажмуасида ишлаб нафақага чиққан, етмиш ёшдан ошган Фазлиддин Бегалиев бу корхонани мўъжиза, деб аташдан чарчамади. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходими Дилбар Хўжақуллова, нефть-газ соҳасида узок йиллар раҳбар бўлиб ишлаган Панжи Овпақуллов, Хўжагузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зафар Улжаев, таниқли чорвадор Ўткир Жумаев сингари иштирокчилар тантанали маросим якунланганидан сўнг ҳам атрофдагиларга ўзларининг қувончини баҳам кўрдилар. Завод ишчи-муҳандислари либосидоғи кўзлари орпаб турган ёшлар қандай қилиб мутахассисликни эгаллаганликлари, қайси хорижий давлатга бориб тажриба алмашганларини сўзлаб қувончларини баҳам кўрдилар. Шу жумладан, менга ҳам шу тарихий тadbирда бу улкан ютуқнинг аҳамияти ҳақида фахр туйғуси билан сўзлаш насиб этди.

ГТЛ заводининг ишга туширилиши ва Шўртан газ кимё мажмуаси ёнида яна бир улкан корхона қурилишига старт берилиши муносабати билан Ҳузурда бошланган ҳаяжонли оғла бутун юртимизга тарқалди. Меҳнат жамоаларида, ўқув масканларида 25 декабрда ўтказилган тантанали йилгилик муҳокама кўрилиб келинмоқда. Юртимизнинг турли оқис-яқин жойларидан келаятган кўнги-роқлар бу воқеа ҳалқимиз учун қанчалик қувончли бўлганидан далолат бериб турибди. Ҳусниддин НУРИДДИНОВ

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АФЗАЛЛИКЛАРИ
(Боши 1-саҳифада)
 Қанча сарф-харажат режалаштирган бўлса, ундан олинган фойда қандай бўлади, тежамкорлик билан иш тутса иқтисодий самараси қанча фойдани ташкил этади, билиши шарт. Бундан фермернинг режалари орқага кетиши мумкин. Фермер якунланган йилда 25 гектар пахта майдонида 300 миллион сўм атрофида сарф-харажат қилди. Энди бу маблагни чиқариб олишдан ташқари фойда олиш ҳам керак эди. Давлат фермернинг томчилик сугориш технологиясига сарфлаган маблагининг қарийб эллиқ фойдани субсидия ва кредит маблагини тўлашга қўмаклашиш билан қайтариб бериши кўзда тутилган эди. Жўрабек Деҳқонов ҳам шу имтиёزلардан тўла фойдаланди. Бу албатта қувонарли ҳолат эди. Сув тежовчи технология сувни бериладиган иш ҳақини, сув сарфини, ариқ ёқалаб сув келтирадиган миробга тўланадиган ҳақни қисқартирди. Бундан ташқари томчилик сугорганда сувга аралаштирилган минерал ўғит ўсимликнинг илдизига аниқ тушар экан, яна эритилган ҳолда бехато тушиши авалвалдиган ортиқроқ фойда бўлгани экан. Буниси ҳаммасидан яхши самара берди.

Шундай қилиб, фермер ҳар гектар эр ҳисобига 45 центнердан ҳосил кўтарди. Бу энди Жўрабек учун катта галаба эди. Авалги йиллари олган ҳосил нари борса 30 центнердан сал ошарди. Булар экан-ку қирқдан оширса?! Демак, ҳар қандай янгилик томонга дадил қадам ташлаш лозим эканини ёдда тутиш шарт экан. Фермер 2021 йилда 600 миллион сўмлик пахта сотганини, унинг сарф-харажат қилинган қисми чиқариб ташланганда 300 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олганини айтди. Демак, соф даромад фермернинг ўзиники, далада ишловчиларнинг, ўз оиласининг яхши ва фаровон ҳаёт кечирishi учун сарфлайди, ундан янги техникага сарфлаши мумкин, истаса кам таъминланган оилаларга ёрдам беради.

— Пахтанинг ўзига кетган харажатимдан ачинмайман, — деди Жўрабек. — Лекин ундан фойда ҳам катта миқдорда қолганидан хурсандман. Сув тежовчи технологияни, мана ўн йилдан бери фермерлик қилаётган бўлсам, бунақа яхши усулни ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Шу ерда ўзимнинг ўйлаб қўйган бир фикримни айтиб қўймоқчиман. Бизнинг республикамизга 80 фойздан ортиқ сув чет давлатлардан, яъни Қирғизистон ва Тожи-

кстондан оқиб келади. Фарғона вилояти эса 90 фойздан ортиқ сувни четдан олади. Демак, бизга мураккаб сув танқислиги ҳамisha раҳна солиб турадим, туради. Ҳўш, сув тақчиллигининг олдини олиш борасида нима қилиш керак? Албатта, сув тежовчи технологияларни дадиллик билан қўллаш лозим. Бу борада муҳтарам Президентимизнинг биз, фермерларга кўрсатаётган раҳбарлиги, ёрдамидан унумли фойдаланишимиз лозим. Ҳеч қандай муҳокама-ю, ҳавотирларга ўрин бўлмаслигини мен аниқлаб етдим. Ҳаммага шунчи тавсия этгим келаверади.

Биз Бешариқ туманининг "Намуна" ҳудудида жойлашган фермер хўжалиги борган кўнимиз ҳавони ярим туман босган эди. Аммо, фермер ҳам, ишчилар ҳам шу ерда қишки ишларни бажаришга тўхтаган экан. Сирдарё-Сўх ИТХБда сув тежовчи технологиялар бўйича бош мутахассис лавозимда ишлаётган Иқболжон Усаровнинг фермер тақлиф қилган шеклилли, у ҳам шу ерда экан. Улар сув тежовчи технологиялар афзаллиги ҳусусида баҳслашди. Фермер Жўрабек Деҳқонов муҳим фикр юзасидан яна гап очиб қолди.

— Энди гапнинг очигини айтий, пахтачиликдан олган даромаддан ва давлатнинг беминнат берган ёрдами туфайли бу йилни яхши якунлаганимдан кейин ёмғирлатиб сугориш технологиясини бошқоқли дон экинларига тадбиқ этиб ҳато қилмаган эканман, — деди у гапларидан кўнунда. — Менинг сув тежовчи технологияларга қизиқшим энди сўмаслиги аниқ. Янги йил давомида барча экин майдонларимга сув тежовчи технологияларни ўрнатаман. Туман ирригация бўлимидагилар, вилоят мутахассислари тез-тез келиб, амалий ёрдам бериб туришсин. Аниқсиз, Иқболжон Усаров доимо фикрлашсин. Ненимча, галлани суғоришда бошимдан ўтказган қийинчиликлар энди такрорланмаса керак. Мана, 25 гектар бошқоқли дон экинларидан ерларда ёмғирлатиб сугориш технологиясини бунёдкор ишлаётган. Экиб қўйилганда кейин ҳам суғоришга ётган экинзорлар ёмғир усулида суғорилиб, қўм-қўқ тусга кирди. Тик қудуқни дала бошига казиб, сувни махсус казавга тўлдириб беришди. Аини дамда ўзим ҳам қилган ишимдан хурсанд бўлиб кетаман. Сув чиқариш қийин бўлган жой эди, энди сув ҳақида гап чекмайдиган фермер хўжалигига айландик...

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
 "Qishloq hayoti" мухбири.

НАМАНГАННИ КЎРКАМ, ОБОД ВА "ЯШИЛ МАКОН"ГА АЙЛАНТИРАМИЗ



(Боши 1-саҳифада)
 Ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган 18 гектарлик Наманган шаҳар марказий қириқди полигонини ёпилиб, бошқа ҳудудга кўчирилди. 5 та 5 қаватли 100 хонадонли намунавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қўшимча равишда 2 та 5 қаватли 6 хонадонли уй-жой қурилиши давом этмоқда. 3,4 млрд. сўм маблаг эвазига 150 ўринли мактабга таълим муассасаси қурилиб, болажонларга туҳфа қилинди. Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида янги кичик саноат зонаси барпо этилди. Ҳозирда 17 млрд. сўмлик 5 та инвестиция лойиҳаси доирасида 600 та иш ўрни яратиб бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2021 йил вилоятимиз учун баракали ва омадли келди. Хирмонларимиз юксалиб, дастурхонларимиз ноз-неъматга тўлди. Йилнинг чиллаки ҳосили пиллачиликда 1950 тонна саноат хошбўйсига териб, топширилди. 462 минг тоннадан ортиқ дон етиштирилди. Ҳар гектардан ўртача 68,3 центнердан ҳосил олинди. Давлат омборларига 197 минг 628 тонна сара дон ётказиб берилди ва режа 130 фойзага бажарилди. Ўтган йилга нисбатан 13,3 минг тонна кўп пахта етиштиришга муваффақ бўлди. 308,9 минг тонна мева ва 129,8 минг тонна узум, 896,9 минг тонна сабзавот, 88,1 минг тонна полиз ва 383,6 минг тонна картошка маҳсулотлари етиштирилди. Чорва ҳайвонлари бош сонини мунтазам ошириб бориш ва четдан насли қорамол олиб келиниши ҳисобига 9 ўш, сут ҳамда туҳми ишлаб етиштиришда ҳам яхши натижаларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 16,1 трлн. сўмни ёки ўтган йилнинг мис даврига нисбатан ўсиш суръати 104,2 фойзга ташкил қилди. Бугунги кунга қадар жами 67,2 минг тонна асосий турдаги картошка, пиёз, сабзи ва гурuch жамғарилди.

Ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг замонавий фан ва технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда чуқур билим олишларига эътибор қаратилмоқда. Якунланаётган йилда 39 та объектда 235 мўлҳ, сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мактабга таълим тизимида 2 минг 562 та муассаса фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида 943 та муассаса ишга туширилди. Тарбияланувчилар сони 9 фойзага ортди ва 72 фойзага қамраб олинди. Иқтисодий соҳанинг яна бир муҳим бўғини тиббиёт соҳасида ҳам 8 та муассаса 70,1 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилди ва фойдаланишга топширилди. Республика шоялининг тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилояти филиалини янгилаш кўринишга келтириш учун 48 млрд. сўм маблаг йўналтирилди. Президентимиз топширигига асосан Республика Президентидан ажратилган 100 млрд. сўм сууда маблаг ҳисобидан 3 та оилавий поликлиника, Наманган шаҳар "Саховат" уйи, Учқўрғон ва Поп туманларида қўшма шикастанишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари қурилиб, ишга туширилди. 17 та поликлиника таъмирдан чиқарилди. Тиббиёт муассасаларига аппаратлар харид қилинди. Аҳолини "маҳаллабай" соғломлаштиришда "Наманган тажрибаси" ҳаётга амалга оширилди. 17 та Республика марказлари, 5 та оилавий таълим муассасалари ҳамда 19 та вилоят тиббиёт муассасаларининг 293 нафар мутахассиси тиббий қўриққа жалб этилди. 779 та маҳаллада яшовчи 37 минг нафар фуқаро тиббий қўриқдан ўтказилди. Юқори ҳавф гуруҳи ҳамда "Темир дафттар" рўйхатига олинганлар орасидан иқтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож 27040 нафар бемор аниқланиб, уларнинг 147 нафарига

юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Аҳоли, аниқсиз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишларини янада оммалаштириш учун бугун вилоятда 1014 та спорт майдонлари фаолият кўрсатмоқда, 15 та "Саломатлик йўлакларини" ва "Велоспорт йўлакларини" ҳам улар ихтиёрига берилган. Натижада наманганликларнинг мамлакат, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда эришяётган натижалари ҳам юксалиб бормоқда.

Туризмни ривожлантириш борасида амалга ошириляётган истиқболли сайё-харажатлар ҳам бугун ўз мевасини бермоқда. Йил давомида 3 та меҳмонхона, 158 та оилавий меҳмон уйлари, 3 та хостел қурилиб, ишга туширилди. 6 та туристик синфга мансуб автобус харид қилинди, 5 та туроператор ташкил этилди. Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини яхшилаш учун 22,6 млрд. сўмдан зиёд маблаг ажратилиб, 8 та маданий мерос объектлари реставрация қилинди, сайёҳлар таъриф буюрувчи 9 та туризм объектида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жорий йилнинг 23-31 май кунлари Наманган шаҳрида "Халқаро гуллар фестивали"нинг 60 йиллик юбилей байрами ўтказилди. 16 гектар майдонга ландшафт дизайни ва вилоятнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирган 10 млн. донга гўл қўчати экилди. Турфа хил гуллар билан безатилган 200 дан ортиқ автомашина карвони ташкил этилди. Байрам тadbирларида чет эл дипломатик корпус вакиллари, 250 нафардан ортиқ хорижий меҳмон иштирок этди. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан 36 баробар кўп сайёҳчи вилоятга таъриф буюрди. Улардан 24,4 минг нафари хорижийликлардир. Туризм хизматлари экспорти 7,6 млн. доллардан ортди.

Муаммоларни жойида ўрганиш ва ҳал этиш борасида ҳам сектор раҳбарлари томонидан "маҳаллабай" иш ташкил қилиш борасида катта тажриба тўпланди. 779 та маҳалладаги хонадонлар ўрганиб чиқилиб, жами 92 минг 584 та муаммо аниқланди ва 89 минг 176 таси ҳал этилди. Аҳолига парранда, бегараз тикув машиналари, 5,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳомийлик маблаглари ҳисобидан пул ва чорва ҳайвонлари тарқатилди. 152 та оиланинг хонадон таъмирлаб

берилди. Шунингдек, Бандлик жамғармасидан 1076 та хонадонга 5,4 млрд. сўм маблаг ажратилди. "Аёллар дафтари"га киритилган 36 минг 179 нафар хотин-қизнинг муаммолари ўрганилиб, ҳал этилди. 4 минг 314 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди. "Ёшлар дафтари"га киритилган 51 минг нафардан кўпроқ йилгит-қизинг қарийб 49 минг нафари ушбу дафтardan чиқарилди. Жорий йилнинг ўзида дафтarderга киритилганлар учун жами 81 млрд. сўм, маблаг йўналтирилди. Жорий йилда жами 142 минг 372 та ишчи ўрни яратилди.

Бугун 2022-2026 йилларга мўлжалланган 5 йиллик дастурдан келиб чиққан ҳолда, кириб келаятган йил учун белгилаб олган режалар ҳақида ҳам туҳталадиган бўлса, биринчи ўринда таълим ва тиббиётга асосий эътибор қаратилмоқда лозим бўлади. Янги йилда мактабга таълим ёшидаги болалар қаровини 82 фойзага етказамиз. Бунинг учун 3 та давлат, 4 та хусусий, 2 та давлат-хусусий шериклик, 258 та оилавий МТТ ташкил этилади. 11 та давлат МТТ реконструкция қилинади. 58 та маҳаллада 81 та МТТ ташкил этилади. Худудларда 6 та янги мактаб қурилиб, 15 та мактаб реконструкция ва капитал таъмирланади. Шунингдек, 115 та мактаб 1 840 та замонавий компьютер техникалари билан таъминланади. 3 та математика ва физика, 4 та кимё ва биология, 3 та информатика фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил қилинади. 21 та мактабга замонавий спорт зали қуриб берилади. Вилоятимизда бўлиши таълим тизимида ҳам қатор янгиликлар бўлиши кўзда тутилган. Яъни, янги институтлар очилади. Давлатбод туманидаги "Янги Ўзбекистон" — ёшлар зиё маскани" кутубхонаси намунасида қолган туманларда ҳам кутубхоналар ташкил этиш чоралари қўрилади.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 68,3 млрд. сўм маблаг ҳисобига 9 та тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб берилади. 27 та хусусий тиббиёт муассасаси, хусусий шериклик ва тўридан-тўри инвестициялар ҳисобидан 2 та тиббиёт муассасаси ишга туширилади. Наманган шаҳрида халқаро университет ва замонавий клиникадан иборат Тиббиёт кластери ташкил этилади.

Ишсизликни қисқартириш мақсадида келгуси йилда 143 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Наманган туманидаги собиқ "Олахамак Иқтисодиёт коллежи" негизда саноат мактаби ташкил этилиб, марказининг бўш эр майдони ва бино иншоотларига 37 та тadbиркорлик лойиҳалари жойлаштирилади ва бу орқали 1 минг 552 та янги иш ўрни яратилади. Уйчи тумани "Ишсизликдан холи ҳудуд"га айланади. Бунда 779 та маҳаллага танлов асосида олинган, Президентимиз томонидан катта ишонч билдирилган, бандликнинг ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича "Ҳоким ёрдамчиси", ёшлар ишлари агентлигининг вакилларидан умидимиз катта. 2022 йилда "Маҳаллабай" ишлаш тизими янги босқичда давом эттирилади. Ҳар бир маҳалланинг "Усиш нукталари" дан келиб чиқиб, тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг мавжуд муаммоларини ҳал этиш чоралари қўрилади. Аҳолининг тadbиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш" дастури доирасида жами 865 млрд. сўм кредит, бандликка қўмаклашиш жамғармасидан 28,5 млрд. сўм субсидия ажратилади. Фуқароларни касб-хунарга ўйитиш, тadbиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун 13,9 млрд. сўм миқдоридоги маблаг йўналтирилади. "Темир дафттар"да қўлаётган 949 та оиланинг меҳнатга лаяқатли 580 нафар аъзоси доимий иш билан таъминланади. Ёшларнинг 6160 нафарига 1 231 гектар эр майдони ажратилади, 2028 нафари касб-хунарга ҳамда 2151 нафари тadbиркорликка ўқитилади. Шунингдек, ёшларга 228,9 млрд. сўм кредит ҳамда 1,9 млрд. сўм субсидиялар берилади. Худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 11,0 трлн.сўмни ташкил этган 1134 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 34 мингта янги иш ўрни яратилади.

Янги йилда "Наманган экспомаркази", яна 26 та кичик саноат зонаси ташкил этилади. Жами 585 млн. долларлик маҳсулотлар экспорти кўзда тутилган. Цемент, кичик юк автомобиллари, қадоклаш қоплари, қаробкалар, жинси шим, кузатув камералари, декоратив мебель ва бошқа турдаги маҳсулотларни илк бор экспортга чиқариш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар ва туманларда 17 та кўчани туну кун ишлайдиган савдо ва кўнгилочар кўчаларга (Shopping Street) айлантириш ҳисобига 820 та хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади. Умумий қиймати 2,7 трлн. сўм бўлган 7 та йirik савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳамда 4 та бозор трансформация қилинади. Наманган шаҳридаги Лопа бозори ҳудудига "Asr Steel Group" МЧЖ томонидан йirik замонавий гипермаркет ташкил этилади. "Art Soft Mall" МЧЖ томонидан ҳам худди шундай йirik савдо ва хизмат кўрсатиш объекти қурилади. 1-қаватига йirik савдо бренди қосибланган "Корзинка" тармоғи жойлаштирилади.

Қурилиш, ободонлаштириш соҳасида ҳам алоҳида тadbирлар белгилаб олинган. 109 та кўп қаватли уй-жой қурилади. Чуст тумани Гулзор, Чортоқ тумани Дуслук, Поп тумани Миришкор маҳаллаларини ҳудудида барпо қилинадиган "Янги

Ўзбекистон массивлари" да жами 640 та хонадонга эга 32 та кўп қаватли уй барпо этилади. Давлатобод тумани Юксалиш массивида 30 минг оила учун 330 та кўп қаватли уй, мактаб, боғча, шифохона, кичик саноат зоналари, хизмат кўрсатиш объектларини қамраб олган "Янги Наманган шаҳарчаси" бунёд этилади. 95 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон боғи" қад ростлайди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида вилоятда жами 28 та маҳалланинг архитектура инфрасанити янгилаш ва ободонлаштириш бўйича жами 318,7 млрд. сўмлик ишлар бажарилади. "Яшил макон" умумийлиги лойиҳаси доирасида 84 гектар ерда "Яшил ҳудуд", 145 гектар майдонда "Яшил майдон" ва жамоат парклари ташкил этилади. 2022 йилда умумий фойдаланишдаги 321,5 км. ҳамда 818,8 км. ички йўлларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш чоралари қўрилади. 38 та кўпқирини қуриш ва таъмирлаш ишларига республика бюджетидан 17,6 млрд. сўм маблаг ажратилади. Қишлоқ хўжалигида яна 9 та туманда галлачилик, Янгиқўрғон, Поп, Чортоқ, Косонсой, Чуст туманларида 10 та узумчилик кластери ташкил этилиб, 15 минг гектарда янги узумзорлар барпо қилинади, 1 тадан қайта ишлаш корхонаси ишга туширилади. 6 минг гектарда интенсивс боғ барпо этиш орқали, мева етиштириш 3-4 баробарга кўпайтирилади. Заҳирага қайтарилган эр майдонларидан деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккачки, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача ўлчамларда эр оқик электорн танлов орқали 10 йилга ижарага берилади.

Поп туманида Чодак туризм қишлоғи, Янгиқўрғон туманида Нанай туризм зонаси ва Чортоқ туманида экотуризм зонаси фаолият йўлга қўйилади. Чуст туманидаги "Гова" ва Косонсой туманидаги "Олмасор" қишлоқлари туризм қишлоқларига айлантирилади. Бу жойларда оилавий меҳмон уйлари сони 300 тага, туроператор ҳамда турагентлар сони 30 тага етказилади. Шаҳар ва туманларнинг "Драйвер"дан келиб чиқиб, туризм хизматлари экспорт ҳажми 10 млн. долларга етказилади. Шу мақсадда 25,5 фойза, сўмлик 22 та лойиҳа асосида Поп, Чортоқ, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари туризмга ихтисослаштирилади. Бобораҳим Машраб билан устози Мулла Бозор Охунд макбарларига реконструкция қилиниб, зйератгоҳга айлантирилади. Қодирхўжа Эшон уйи архитектура ёдгорлигида 10 минг донга эконатан, нодир топилма ва буюмларни сақлаш ва намойиш қилиш учун, янги адабиёт ва санъат музейи ташкил этилади. Вилоятда янги туризм зоналари ҳамда янги туристик маршрутлар ташкил этиш орқали туризм хизматлари экспорт ҳажми 30 млн. долларга етказилади. Ёшларнинг доимий равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун 6 та янги спорт муассасаси, "Навбахор" футбол клуби базасида "Футбол академияси" ташкил этилади. Давлатобод тумани "Спорт шаҳарчаси"га айлантирилади.

Лўнда қилиб айтганда, 2022 йилда ҳам Наманганда барча соҳаларда улғувор қадамлар қўйилди. Насиб этса, Президентимиз ва ҳалқимиз ишончини оқлаш йўлида мавжуд барча имкониятлар ишга солиниб, катта дорвлар забт этилади.

Азиз ҳамраҳлар!

